

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Наманган вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи

С.Мелихужаев

2017 йил



**Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари
кузатувлари бўлими тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Наманган вилояти Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, хуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Наманган вилояти статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси топшириқлари, “Наманган вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга ва мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.

4. Бўлим Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари масалалари бўйича фаолиятини вилоят статистика бошқармасининг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини вилоят статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлиғининг ўринбосарига бўйсунади.

2-боб. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

6. Қуидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) давлат статистикаси соҳасида ишлаб чиқилган ягона сиёсатни бажарии, статистикани ташкил қилишининг самарли тизимини таъминлаш ва давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиш соҳасида:

Давлат статистика ишлари Дастурини, статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини, турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари масалалари билан боғлиқ ишларнинг режа-жадвали, бошқарманинг иш режаларини ишлаб чиқиша иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика тизимини ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг ижросини таъминлаш юзасидан жорий ва истиқбол режаларини тайёрлаш ишларида иштирок этиш;

статистика органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш, таклифларни амалда рўёбга чиқаришда иштирок этиш;

б) ҳалқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқиши, тасдиқлаш ва жорий этиши соҳасида:

макроиктисодий ва худудий даражаларда ўрганилаётган ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг қамровини кенгайтиришга қаратилган статистика маълумотларини йигиш ва қайта ишлашнинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш йўли билан статистик кузатувлар тизимини умум қабул қилинган ҳалқаро амалиётга янада мослаштиришни ваколати доирасида амалга ошириш;

жамият эҳтиёжларига мувофиқ турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари соҳасидаги қўрсаткичларни ҳисоблаш методикаларини доимий равишда такомиллаштириш;

в) ижтимоий-иктисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йигини, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириши, таҳлил қилиши ва эълон қилиши соҳасида:

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари қисми бўйича Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқариш дастури, методологик ишлар режа-жадвалининг бажарилиши таъминлаш;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича сўровларни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш ва ўтказишни таъминлаш;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича вилоятдаги энг муҳим ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг дастлабки статистик таҳлилларини олиб бориш;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича ўтказилган танланма кузатувлар натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини, статистик ахборотларнинг қулайлиги, очик-ойдинлиги ва ошкоралигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

ишончли давлат статистика маълумотларини тақдим этишда уй хўжаликлари респондентларига ҳар томонлама қўмаклашиш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни оширишда иштирок этиш, статистик назоратни амалга оширишнинг замонавий усулларини жорий этиш;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича олинган статистика маълумотларининг маҳфийлиги, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

умумэътироф этилган ҳалқаро стандартларга мувофиқ статистик метамаълумотлар тизимини яратиш ва ривожлантириш ишларида иштирок этиш;

тавсия этилган ҳалқаро стандартлар асосида статистикада сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш;

г) белгиланган тартибда давлат органлари, юридик шахслар, ҳалқаро ташкилотлар ва аҳолини статистика ахборотлари билан таъминлаш соҳасида:

миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун статистик ахборотларнинг максимал даражада очик-ойдинлиги ва ошкоралигини таъминлаш;

вилоят турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари тенденцияларини тавсифловчи комплекс таҳлилий докладлар, пресс-релизлар ва мақолалар тайёрлаш, турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлаш;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувларига тегишли қисми бўйича вилоят иқтисодиётининг ривожланиш ҳолати, иқтисодиётни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул килинган қарорларнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисидаги йиллик ва чораклик статистик ва таҳлилий материалларни тайёрлаш ва белгиланган тартибда тақдим этиш;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича очик статистик маълумотларни барча фойдаланувчиларга статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятларни таъминлаш;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича очик статистик ахборотларни алмашиш, вилоятнинг ривожланиши тўғрисида материалларни тайёрлаш ва тақдим этишни таъминлаш;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида оммавий ахборот воситаларида таҳлилий лавҳалар, диаграммалар ва графикларни намойиш қилиш билан алоҳида статистик кўрсаткичлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш бўйича чораларни кўриш;

статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборотлари масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

статистиканинг истиқболдаги ривожланиши бўйича таклифлар киритиш, Давлат статистика ишлари дастурининг мазмунини доимий равиша тақомиллаштириш, унинг вилоятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, таркибий ва бозор ислоҳотлари, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида ислоҳотларнинг боришини тавсифловчи тегишли мақсадли кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини ошириш бўйича зарур чораларни кўриш;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари саволномаларини қайта ишлаш ва тасдиқлостиш, ҳар хил турдаги кузатувларни бирлаштириш йўли билан оптималлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

статистик инструментарийни ишлаб чиқиш ва тақомиллаштириш ҳамда сифатни бошқариш тизимини жорий этиш жараёнида бошқарманинг тармоқ бўйимлари билан ҳамкорлик килади;

Давлат статистика ишлари Дастури ҳамда статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича белгиланган ишларнинг тўлиқ ва муддатларида бажарилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика тизимини ривожлантириш дастурларини, давлат статистика фаолиятининг жорий ва истиқбол режаларини, бошқарманинг методологик ишлари режаларининг амалга оширилишида Бўлим ваколати доирасида иштирок этиш;

Турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувларига оид статистика методологияларини халқаро стандартлар ва расмий статистика принципларига, жамият эҳтиёжларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мос келишини таъминлайди;

Бошқарманинг тармоқ бўйимларининг турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувларига оид ахборотларни шакллантириш бўйича ишларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади;

Бўйимга тааллуқли бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларнинг тегишли қисмини кўриб чиқади

ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича, зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида, таклифлар тайёрлайди;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари соҳасидаги ижтимоий-иктисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йигади, қайта ишлайди, тўплайди, саклайди, умумлаштиради, таҳлил қиласди ва эълон қиласди;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича кўрсаткичларнинг ишончлилигини, холислигини ва комплекслилигини таъминлайди;

давлат органларини, юридик шахсларни, ҳалқаро ташкилотларни ва аҳолини статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлайди;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклатилган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда – уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) белгиланган тартибда давлат статистика ҳисботини олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

Бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Бошқарма раҳбариятига турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритиш;

давлат статистикаси соҳасида меъёрий-хуқуқий базани ривожлантириш ва такомиллаштиришда, статистик кузатувлар методологияси ва методикасини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

давлат статистика ишлари Дастурига асосан статистика ишларини ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш;

Бўлимнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқарманинг бўлимлари билан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказиш;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича кузатув шаклларининг тўлиқлигини таъминлаш, йиғиш ва қайта ишлаш муддатларини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишларда иштирок этиш.

9. Бўлим қўйидагилар учун жавоб беради.
ўзига юқлатилган вазифаларнинг лозим даражада ва самарали бажариш;
ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси тамойилларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётга мувофик фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равища тақомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан меъёрий-хуқукий хужжатларга мувофик ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

10. Бўлим таркибига бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, етакчи мутахассис ва мутахассислар (интервьюрлар) киради.

11. Бўлим ишига бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, етакчи мутахассис ва мутахассислар (интервьюрлар) Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган тартибда ва муддатларда турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари кўрсаткичлари ва худудлар ривожланишининг сабаблари ва омилларини ёритиб берувчи замонавий статистик таҳлил усулларидан фойдаланган ҳолда йиллик ва чораклик ахборотларни, ҳисоботларни тайёрлаш, чоп этиш ва фойдаланувчиларга етказиш;

иқтисодиёт тармоқлари, турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари ва худудларни ривожлантириш учун қабул қилинган Давлат дастурлари бажарилиши бўйича таҳлилий маълумотларни тайёрлаш;

бошқарманинг тегишли бўлимлари билан биргаликда турмуш даражасининг долзарб масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида пресс-релизлар ва мақолалар тайёрлаш, ҳисобот даври учун вилоятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини тавсифловчи таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

вилоят ҳамда худудлар бўйича аҳоли турмуш даражасида юз берадиган ўзгаришлар ва жамият томонидан кўпроқ талаб қилинаётган статистик маълумотларни бошқарманинг расмий веб сайтида жойлаштириб бориш, улар бўйича диаграмма ва графиклар тайёрлаш амалиётини кенгайтириш;

статистик маълумотларни чоп этишда кўрсаткичларни намойиш қилишнинг илғор тажрибаларни (тоифалаштирилган графиклар, маълумотлар қамровини кенгайтириш, инфографика ва бошқалар) тадбиқ этиш;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича жамланма таҳлилий жадваллар, маъruzалар, ҳисботлар ва статистик тўпламлар, халқаро саволномалар учун маълумотлар тайёрлаш;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича йигма таҳлилий ахборотларни шакллантириш бўйича қабул қилинган услубий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишини таъминлаш.

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари фаолияти бўйича услубиятларни такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари оид кўрсаткичларни сифатини янада ошириш мақсадида статистик таҳлил усулларидан фойдаланиш бўйича семинарлар ташкил этиш.

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувларига оид ахборотларни электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этиш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиш;

ахборот-тушунтириш ишларини ўтказган ҳолда респондентлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

5-боб. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

14. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси топшириқлари, “Наманган вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низоми ва мазкур Низом, шунингдек вилоят статистика бошқармаси иш режалари, бўлимнинг иш режалари ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган вилоят статистика бошқармаси иш режалари асосида шакллантирилди ва бошқарма бошлигининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ходимларининг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан ходимларга юкланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда тайёрланади ва бошқарма бошлигининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

15. Бўлим бошлиғи:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлим бошлиғи ўринбосари, етакчи мутахассис ва мутахассислар (интервьюлар)нинг ишини ташкил киласди,

Бўлимга юқланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва назорат қилувчи бошқарма бошлиғининг ўринbosарига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бошқарманинг йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек бошқарма раҳбариятининг топшириғига биноан Бўлим юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гурухлар ва кенгашлар фаолиятида қатнашади;

Давлат статистикаси соҳасида норматив ва методологик хужжатларни ва давлат статистика кузатувлари шакллари лойиҳаларини эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини ташкил қилади;

Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринbosарларининг топшириқларига биноан таҳлилий ва умумлаштирувчи материаллар тайёрлайди, қўйилган вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўйича бошқарманинг тармоқ бўлим бошлиқлари ва мутахассисларига маслаҳат ва методологик ёрдам беради;

Бошқарманинг ва Бўлимнинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

норматив-хуқуқий хужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда, шунингдек уларнинг давлат статистикасига тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим кадрлари заҳирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар заҳирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишини таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан олдига қўйилган вазифалар, кирувчи хужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиб масалалари бўйича йўриқнома йиғилишлар ўтказади;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилиш, ходимлар томонидан

хизмат хужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бўлим бошлиғи ўринбосари бажаради.

16. Бўлим бошлиғи ўринбосари:

Функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва хужжат лойихаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавобгар;

Тегишли функционал масалалар бўйича статистик инструментарийнинг (хужжатлар, кузатув шакллари, таснифлагичлар, метамаълумотлар ва ҳ.к.) тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг юритилишини, уларнинг доимий равишда тўлдирилишини таъминлайди;

Бўлимнинг тегишли бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича бўлим мутахассисларига консультатив ёрдам кўрсатади;

Бўлим бошлигининг топшириғига мувофиқ зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш лойихасини тайёрлайди;

Раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

Вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

17. Бўлим етакчи мутахассиси:

Функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва хужжат лойихаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавобгар;

Тегишли функционал масалалар бўйича статистик инструментарийнинг (хужжатлар, кузатув шакллари, таснифлагичлар, метамаълумотлар ва ҳ.к.) тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг юритилишини, уларнинг доимий равишда тўлдирилишини таъминлайди;

Бўлим бошлигининг топшириғига мувофиқ зарур материаллар ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича мутахассисларга консультатив ёрдам кўрсатади;

Иш юритишни олиб боради, бўлимда хужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қиласди, хужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топширишни таъминлайди;

Раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

Вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

18. Бўлим мутахассислари(интервюрлар):

белгиланган тартибда уй хўжаликларида сўров ўтказиш (бириктирилган маҳаллаларда), уй хўжаликлири кузатуви ўтказиш бўйича тасдиқланган йўриқномага асосан кузатув ишларини олиб бориш;

уй хўжалиги кузатуви маълумотларини таҳлил қилиш ва кунлик харажатларни ҳисобга олиш қундалгини хос рақамлар билан кодлаштириш (бириктирилган маҳаллалар бўйича);

уй хўжаликлари кузатуви натижалари бўйича олинган маълумотларни компьютерга базага киритиш (бириктирилган маҳаллалар бўйича);

уй хўжалиги кузатуви якуни бўйича хар ойда бўлимга олиб келинадиган хужжатларни ҳамда уй хўжалиги кузатуви саволномаларини барчасини текшириб, тўлиқ бўлимга топшириш ва журнallарга қайд қилиб бориш (бириктирилган маҳаллалар бўйича);

уй хўжалиги кузатуви танлов бирламчи бирлиги ТББ (ПСУ) ни юритиб бориш ва сўров ўтқазилмаган уй хўжаликларини ҳисобга олиш шакли (рад этганлик бланки) ни тўлдириш;

ярим йилда бир марта танловга тушган маҳаллаларда уй хўжаликлари рўйхатини шакллантириш ва компьютерга киритиш (бириктирилган маҳаллалар бўйича);

хар ойда танланма кузатувга тушган уй хўжалиги аъзоси билан шартнома тузиш ва шартнома бўйича уй хўжалиги аъзосининг паспорт, СТИР, ШЖБПХ тўғрисида маълумотларни олиш;

ярим йилда бир марта транспорт харажати учун асословчи хужжатларни олиш;

мехнат интизомига риоя қилиш, хар ойда тасдиқланган режа графикка асосан иш фаолиятини амалга ошириш;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

